# Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси

**1999-2000 ўқув йилида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ва Италия ўқув юртларида ўқиб, бакалавр ва магистр даражасини олиш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг грантларига сазовор бўлиш учун 300 совриндор ўринга танлов босқичлари бошланишини**

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| Таълим йўналишлари | АҚШ | | Буюк Британия | | Германия | | Франция | | Япония | | Италия | | ЖАМИ: | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Бакалавриат | Магистратура | Бакалавриат | Магистратура | Бакалавриат | Магистратура | Бакалавриат | Магистратура | Бакалавриат | Магистратура | Бакалавриат | Магистратура | Бакалавриат | Магистратура |
| **ИҚТИСОД** | 9 | 38 | 5 | 11 | 2 | 6 | 1 | 6 | - | 3 | - | - | 17 | 64 |
| Монетар сиёсат ва пул муомаласи | 1 | 5 | 1 | 2 | - | - | - | 1 | - | - | - | - | 2 | 8 |
| Тижорат банклари иши | 1 | 5 | 1 | 2 | - | 1 | - | - | - | - | - | - | 2 | 8 |
| Молияни бошқариш | 2 | 11 | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | - | 1 | - | - | 5 | 16 |
| Сармоялар ва қимматбаҳо қоғозлар бозори | 1 | 4 | 1 | 2 | - | 1 | - | - | - | 1 | - | - | 2 | 8 |
| Менежмент ва маркетинг | 2 | 10 | 1 | 2 | 1 | 1 | - | 2 | - | 1 | - | - | 4 | 16 |
| Қурилиш менежменти | 2 | 3 | - | 1 | - | 2 | - | 2 | - | - | - | - | 2 | 8 |
| **ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА МУНОСАБАТЛАР** | - | 18 | 5 | 11 | - | - | 2 | 7 | - | 4 | - | - | 7 | 40 |
| Халқаро муносабатлар | - | 7 | 2 | 4 | - | - | 1 | 2 | - | 1 | - | - | 3 | 14 |
| Халқаро молиявий ҳуқуқ | - | 4 | 1 | 2 | - | - | - | 2 | - | 1 | - | - | 1 | 9 |
| Халқаро тижорат ҳуқуқи | - | 7 | 2 | 5 | - | - | 1 | 3 | - | 2 | - | - | 3 | 17 |
| **ИНФОРМАТИКА ВА КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ** | 4 | 13 | 1 | 7 | 1 | 3 | - | 1 | - | - | - | - | 6 | 24 |
| Ҳисоблаш тизимини лойиҳалаштириш | 1 | 3 | 1 | 2 | - | 1 | - | - | - | - | - | - | 2 | 6 |
| Компьютер тизимини лойиҳалаштириш | 1 | 4 | - | 1 | 1 | 1 | - | - | - | - | - | - | 2 | 6 |
| Тизимли программалаштириш | 1 | 3 | - | 1 | - | 1 | - | 1 | - | - | - | - | 1 | 6 |
| Амалий программалаштириш | 1 | 3 | - | 3 | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 | 6 |
| **ТАБИИЙ ФАНЛАР** | 3 | 10 | 1 | 3 | - | 5 | 1 | 2 | - | - | - | - | 5 | 20 |
| Физика | 1 | 2 | - | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 | 3 |
| Математика | 1 | 1 | - | 1 | - | 1 | - | - | - | - | - | - | 1 | 3 |
| Химия | 1 | 2 | - | - | - | 1 | - | - | - | - | - | - | 1 | 3 |
| Биология | - | 2 | - | - | - | 1 | - | 1 | - | - | - | - | - | 4 |
| Ген муҳандислиги | - | 1 | 1 | 1 | - | 2 | - | - | - | - | - | - | 1 | 4 |
| Ноанъанавий қувват манбаларидан фойдаланиш | - | 2 | - | - | - | - | 1 | 1 | - | - | - | - | 1 | 3 |
| **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ** | 4 | 11 | 1 | 7 | 1 | 3 | - | 3 | - | - | - | - | 6 | 24 |
| Селекция ва пахта уруғчилиги | 1 | 5 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 | 5 |
| Донларни тез етиштириш технологияси | 1 | 3 | - | 4 | 1 | 2 | - | 1 | - | - | - | - | 2 | 10 |
| Молларнинг сермаҳсул наслларини чатиштириш | 2 | 3 | 1 | 3 | - | 1 | - | 2 | - | - | - | - | 3 | 9 |
| **ЭКОЛОГИЯ** | 1 | 5 | - | 2 | 1 | 3 | 1 | 1 | - | 1 | - | - | 3 | 12 |
| **ЖУРНАЛИСТИКА** | 2 | 11 | 1 | 4 | - | - | 1 | 1 | - | - | - | - | 4 | 16 |
| **МУҲАНДИСЛИК ИХТИСОСЛАРИ** | 7 | 14 | 2 | 10 | 1 | 5 | - | 1 | - | 2 | - | - | 10 | 32 |
| Тоғ иши | 1 | 4 | 1 | 3 | - | 1 | - | - | - | - | - | - | 2 | 8 |
| Машинасозлик | 2 | 3 | - | 3 | 1 | 1 | - | - | - | 1 | - | - | 3 | 8 |
| Саноат дизайни | 2 | 3 | 1 | 2 | - | 2 | - | - | - | 1 | - | - | 3 | 8 |
| Архитектура | 2 | 4 | - | 2 | - | 1 | - | 1 | - | - | - | - | 2 | 8 |
| **САНЪАТ** | - | - | - | 1 | 1 | 1 | - | - | - | - | 1 | 6 | 2 | 8 |
| Рассомчилик | - | - | - | - | 1 | - | - | - | - | - | 1 | 2 | 2 | 2 |
| Мусиқа | - | - | - | - | - | 1 | - | - | - | - | - | 2 | - | 3 |
| Вокал | - | - | - | 1 | - | - | - | - | - | - | - | 2 | - | 3 |
| **ЖАМИ:** | 30 | 120 | 16 | 56 | 7 | 26 | 6 | 22 | - | 10 | 1 | 6 | 60 | 240 |
| | 150 | | 72 | | 33 | | 28 | | 10 | | 7 | | 300 | |

**"Умид" жамғармасининг Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Президентининг грантини олиш бўйича танловда иштирок этиш учун 1998 йил 15 декабридан 1999 йил 3 январгача қуйидаги ҳужжатларнинг қабул қилинишини эълон қилади:**

1. "Умид" жамғармаси Бошқаруви раиси номига танланган ўқув шакли, йўналиши, мутахассислиги ва давлат номи кўрсатилган ариза;
2. а) бакалавриат учун: олий ўқув юртининг иккинчи (ёки учинчи) курсида муваффақиятли ўқиётгани тўғрисида деканатдан мутахассислиги, курси кўрсатилган маълумотнома;
   б) магистратура учун: олий ўқув юртини тугатганлиги ҳақида диплом нусхаси ёки олий ўқув юртининг битирувчи курсида муваффақиятли ўқиётгани тўғрисида деканатдан мутахассислиги, курси кўрсатилган маълумотнома;
3. Олий ўқув юрти ректори ёки ўқишга юбораётган ташкилот раҳбарининг тавсифий-тавсияномаси;
4. Рангли фотосурат (4 дона 4х6 см);
5. Паспорт;
6. Ҳарбий билет ёки ҳарбий хизмат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
7. Скоросшиватель.

## Танлов 1999 йил 6 январдан бошланади ва 4 босқичда ўтказилади:

**1-босқич.** Чет тили ва талабгорнинг танлаган ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда хорижий олий ўқув юрти талабаларига жавоб берадиган билимларини аниқлаш юзасидан тест;
**2-босқич.** Танланган ихтисослик бўйича компьютер тести;
**3-босқич.** Танланган ихтисослик бўйича суҳбат;
**4-босқич.** Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлашга доир талабгорнинг ҳаётий дунёқараши, маънавияти ҳамда тарих ва маданият соҳасидаги билимларини аниқлаш юзасидан суҳбат.

Танловларнинг биринчи босқичи хорижий мамлакатларнинг махсус давлат таълим муассасалари томонидан ўтказилади.
2, 3 ва 4-чи босқичлар етакчи олим ва мутахассислар ҳамда устувор таълим соҳалари йўналишларидаги амалий раҳбар ходимлардан ташкил топган "Умид" жамғармасининг махсус комиссиялари томонидан ўтказилади.

**Ҳужжатларни қабул қилиш ва танлов босқичларини ташкил этиш бўйича танлов ҳайъати қуйидаги манзилгоҳда жойлашган:**
**Тошкент шаҳри, Якуб Колас кўчаси, 16-уй. Банк-молия академияси. Тел.: 68-38-10, 137-12-81, 137-12-82.**

**"Умид" жамғармаси Бошқаруви**

